
“БЎСТОН” ДАҲАСИДА ИЧИМЛИК СУВИ БИЛАН БОҒЛИҚ МУАММО БАРТАРАФ ЭТИЛМОҚДА

Бағдод шаҳарчасининг “Бўстон” даҳасида жойлашган 76-сонли кўп қаватли уйда ичимлик суви билан боғлиқ муаммо айна пайтда “Фарғона сув таъминоти” МЧЖ туман бўлими мутахассислари томонидан бартараф этилмоқда. Бу ҳақда бўлим раҳбари Зафаржон Усмонов воқеа жойидан хабар берди.

- Маълум бўлишича, аввалги тармоқ мутлақо яроқсиз ҳолга келиб қолган ва оқибатда шу муаммо юзага чиққан. Ходимларимиз 13 метр масофада қазиш ишларини бажариб бўлишди ва янги тармоқ тортишди. Саноқли дақиқалардан кейин тармоққа улаш ишлари ҳам якунланади, - дейди З.Усмонов.

Бағдод тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2021-04-29 17:43:50